

# O'zbekiston adabiyoti va san'ati



ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊЪАТИ

Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqqa boshlagan

2005-yil, 7-oktabr


№ 41 (3818)

## РАМЗДА АКС ЭТГАН ОЛАМ

Пойтахтимизда бир hafta мобайнида навбатдаги халқаро Тошкент замонавий санъат биеннаlesi бўлиб ўтди. Ўзбекистон Бадий академияси ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ўзбекистон маданияти ва санъати фонди форуми кўмагида ўтказган ушбу халқаро кўргазма маданий ҳаётимизда катта воқеа бўлиб, унда йигирма олти мамлакатдан саксонга яқин rassomлар иштирок этди.

Санъат асарларини идрок этиш шу қадар шахсий ҳуосиятга эгаки, бундай лаҳзаларда санъаткор ва муҳлисининг руҳияти бир нуктада кесишади. Руҳий мулоқотнинг қадри, айниқса, тасвирий санъатда янада билинади. Негаки бунда ҳайратни ҳар бир томошабиннинг руҳияти кашф қилади. Санъаткор дунёқараши орқали ботинидаги кечинмаларни юзага чиқараркан, бу билан ўзининг ҳаётий тўхтамларини, фалсафасини айтмоқчи бўлади. Леонардо Да Винчи ташлаган тугун асрлар давомида ечиб келинаётган демок, муҳлислар ҳам ўзининг савиясидан келиб чиқиб мусаввир ташлаган тугунларни имкон қадар ечишга ҳаракат қилади.

нинг савияси бир хил эмас. Қолаверса, инсоннинг онги бир жойда тўхтаб ҳам қолмайди. Гап шундаки, ижодкорнинг ҳаёлотининг савияси бир хил эмас. Қолаверса, инсоннинг онги бир жойда тўхтаб ҳам қолмайди. Гап шундаки, ижодкорнинг ҳаёлотининг савияси бир хил эмас.



TASHKENT  
BIENNALE 2005

қўқа қанчалар парвоз қилмасин, барибир унинг оёғи заминда туради. Унинг қисмати мана шу заминдагилар билан занжирдек бир-бирига боғлиқ. Демак, одамларни фикрлашга ундаш, руҳига озиқ берадиган асарларни яратиш ижодкорнинг асосий вазифаларидан биридир. Бадий академиянинг Марказий кўргазмалар залида экспозицияси намойиш этилган Ю.Усеиновнинг «Кечиккан ҳиссиёти ёғду остида» ёки «Мавҳум унинг сосиси» сура-ти мана шундай асарлардан-дир. Ундаги унутилиб кетган одамдек мискин аҳволда деворга суяниб ўтирган кимсанинг

ҳолати ўйлатибгина қолмасдан, юракдаги туйғуларни уйғотиб, ҳамдардликка чорлайди. Айниқса, rassom Файзуллоҳон Аҳмадалиевнинг «Умар Хайём юлдузлари» асарининг шаклан курилмаси бўлган Сардоба диққатимни тортди. Лойсувоқдан ясалган ушбу асарнинг икки томонидан эшик очилган. Биринчи эшикдан киришингиз билан кўзингиз сардоба сувига тушади. Бу сувда инсониятнинг қадри-нага айланган ҳазрат Алишер Навоий, Бобораҳим Машраб, Умар Хайём, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Чингиз Аҳмаров ва машҳур киноактёр Андрей Мироновларнинг қиёфалари акс этади. Rassom талқинига кўра, ниҳонингизни юқорига, яъни Умар Хайём юлдузларига қаратасиз. Уларнинг қаторида сизнинг ҳам аксингиз сув юзиде қалқиб туради. Лекин сизнинг аксингиз бир неча сонияларгагина акс этади ҳолос. Чунки кўзадан томаётган томчилар ҳар бир лаҳзани ҳисоблаб турибди. Кўздаги юлдузларга боқиб жараёнда иккинчи эшикдан чиқшимиз, бу уйни тарқ этиш кераклигини англаймиз.

Давоми бешинчи бетда.



СУРАТДА:  
Андижон пахта-зорларида. Бўз тиббиёт коллежи талабалари Фарид Акбаров, Марҳаб Мирзаева, Мадина Охунова.

## САЙХУН СОҲИЛЛАРИДА

Мамлакатимиз ўз ҳурриятининг ўн бешинчи до-вони сари дадил қадам ташламоқда. Иجتимоий-маънавий тараққийнинг барча жабҳаларидаги катта ўзгаришлар, халқ фаровонлигини таъминлаш йўлидаги ислохотлар самараси шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфасида, одамлар кайфияти ва турмуш тарзида яққол намоён бўлиб турибди.

Бу жиҳатдан Сирдарё вилоятида рўёбга чиқарилаётган ишлар ҳам кўзни қувонтиради. Утган hafta Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Абдулла Орипов раҳбарлигида бир гуруҳ ижодкорлар вилоятнинг шаҳар ва туманлари, пахта далаларида бўлганида бунга ишонч ҳосил қилдилар. Вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган суҳбат чоғида сўнги йилларда Сирдарё ижтимоий-иқтисодий ҳаётида рўй берган ўзгаришлар ҳақида сўз борди. Вилоят ҳокими Абдураҳим Жалолов ана шу ўзгаришларнинг мазмун-моҳияти, бу йил далаларда пахтадан ҳар қачондан кўра мўл ҳосил этиштирилгани, бу эса иқтисодиётни мустаҳкамлашда катта имкониятлар очиши ҳусусида сўзлади. Вилоятда фермерлик ҳаракати кенг қулоқ ёйиб, ер ўзининг ҳақиқий эгасини топаётди. Шунга мувофиқ равишда бунёдкорлик ишлари ҳам жадал сурьатлар билан олиб бориламоқда. Бу ишларнинг самараси вилоят маркази ва туманлар қиёфасида яққол кўзга ташланиб турибди. Айниқса, Гулистон шаҳри тобора гўзаллашиб бормоқда. Ижодий мулоқот чоғида вилоят ижтимоий-маънавий ҳаётидаги жараёнлар ҳам тилга олинди. Ёзувчилар уюшмасининг вилоят бўлими фаолиятини янада кўчатириш, қишлоқ ва туманларда ижод қилаётган қаламқашлар учун зарур шарт-шароитлар яратиш доимий диққат-этиборда. Уюшманинг вилоят бўлими томонидан ёш шоирлар Норинисо Қосимова ва Али Насирли Хайдар ўғли уюшма аъзолигига тавсия этилди.

Шундан сўнг ижодкорлар Сайхунбод туманидаги фермер хўжалиқлари далаларига йўл олдилар. Қийғос очилган оқ олтинни мисқоллаб териб олаётган ҳашарчи қиз-йигитлар далалар шуққуига шуққу қўшиб юборган. «Кўкдала» ва «Саёт» фермер хўжалиқ-  
ларининг далалари ҳозираси ҳам айниқса ўзгача. Очиқли Шодмонова ва Хўроз Ашуровлар етакчилиги қилаётган бу фермер хўжалиқларида этиштирилган мўл пахта ҳосилини йиғиб-териб олишда Гулистон шаҳридан келишган тиббиёт ходимлари ёрдам беришмоқда. Ҳашарчилар учун фермерлар барча шарт-шароитларни яратиш беришган. Таниқли ижодкорларнинг таширғи буюргани эса ҳашарчиларни ниҳоятда қувонтириб юборди. Айни туш вақтига тўғри келган учрашуви Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимининг масъул котиби, Олий Мажлис Сенати аъзоси Ҳайхон Ортеқбоева очиб, ҳашарчилар ҳузурига «Хорманглар», деб келишган ижодкорларни таништирди. Ўзбекистон халқ шоирлари Абдулла Орипов, Жуманиёз Жабборов, таниқли шоир Эшқобил Шуқур ва бошқа ижодкорларни ҳашарчилар олқилар билан кўзи олдилар.

— Аллоҳ инсонни гўзаллик учун, юртни обод этиб на-насибани бутун қилиш учун яратган, — деди Абдулла ака ўз сўзида. — Халқимизнинг бугунги бунёдкор меҳнатига бир қаранг: оналарнинг алла айтаётти, йиғит-қизларининг пахта терапти, оталарининг мамлакатни обод қилиш, тинчлик ва оқойишталик барқарорлиги учун жон қўйдиришмоқда. Бизнинг энг катта бахтимиз аслида шу эмасми. Пахта-қу халқимизнинг риёқ-насибаси. Уни терасан — бойлик бўлади. Термасан — шу бойлиқни увол қилган бўламиз. Бунинг сизлар мендан кўра яхшироқ биласизлар. Шунинг учун ҳам кечани кеча, кундузни кундуз демая дехқонларимизга камарбаста бўла-яписизлар. Бундай фидокорлигиниз учун тасанно деймиз, мардлингиз, гайрат-шижватингизни ўз шеърларимизда, қўшиқларимизда мадҳ этамиз.

Миллион йиллик сўз эрур пахта бизнинг дугатда, Эгатларда бошланган онлар тўлқоқ дари. Мабодро ўсимликка забон битса, албатта, Пахта нави энг аввал Ўзбекча гапирарди. Ўзбекистон халқ шоири Жуманиёз Жабборов теримчи йиғит-қизларини вилоятнинг кун сайин қўққа юксалган оқ олтин хирмонлари билан кутлар экан, ҳаётнинг барча гўзалликлари сизларга насиб этсин, қўлларингиз асло дард қўрма-син, деди. Сўнг ўзининг юртини улуглигини тараннум эту-чи гўзал шеърларидан ўқиб берди.

Тавзим, Ўзбекистон, маъволарингиз, Кўшү юлдузлик самоларингиз. Тоғларинг сарбаланд турсин доимо, Барокат бахш этиб дарёларингиз. Муаттар, бепеён бўстонсан олий, Жаннат ҳавас қилур ҳаволарингиз. Сени шарбатмақон яратди Танграм, Яна олтин соди саҳроларингиз. Тафаккур оламинг оламча кендир, Жаҳон қулоқ осди доноларингиз. Гузаллик маскани дилбар дийрём, Асло кўз тегмасин барноларингиз.

Таниқли шоир Эшқобил Шуқур бу учрашув биз ижодкорлар учун ҳам унутилмас бўлиб қолади, деди. Чунки талаб-лик йиллари пахта теримда қатнашган давримиз хотиралари ҳамон ёдимизда. Улар шеърларимиз мисраларида ҳам акс этиб турибди. «Ўзбекистонда куз», «Куз ҳаётлари» каби энг машҳур шеърларини ҳам бир вақтлар мана шундай пахта далаларида ёзилганини бугун барча муҳлислар яқши била-дилар.

Шундан сўнг шоир ўзининг «Мустақиллик дарсида» деган шеърини ўқиб берди.

... Эй ўлон, қаддингиз байроқдай кўтар,  
Юксал, биз — боболар асраган шонимиз.  
Ўзингни кам дема, «Мен кимман?» дема,  
Бизнинг ҳар биримиз Ўзбекистонимиз!

«Ҳақ сўзинг не?» — деса, «Озодлик!» деб айт,  
«Сен ўзинг ким?» — деса, «Озодлик!» деб айт.

«Тасвирий ойин» уюшмаси раҳбари Исфандиёр Латипов ва бошқа ижодкорлар ҳам уларнинг дил сўзлари, ўқиган шеърлари билан пахтакорларга ёрдамга келган ҳашарчиларни мамун этдилар. Сирдарё вилояти ҳокими ўринбосари Мухтор Эркаев илгор теримчиларни кутлаб, уларга аталган совғаларни топширди. Ҳаётин Ортеқбоева учрашуви якунлар экан, «пахтанинг буйи ўсса кўнгли кўтариладиган» қизларни ўзининг гўзал шеърлари билан мадҳ этди.

Шоир айтганидек, бугун олтин далаларимиз «бир пари фаслинг огушида маст», «хар ёнда гўзаллик ўз дафтарини ёзган, хар ёнда ташвишли илҳом ҳукмрон». Олтин далалардан мисқоллаб йиғиб олинаётган риёқ-рўзимиз, халқимизнинг катта бойлиги бўлган пахта хирмонлари кун сайин юксалиб бормоқда.

Мурод АБДУЛЛАЕВ,  
Дониёр БЕГИМКУЛОВ

## Таниқли шеърлар СОЗАНДА ВА МУАЛЛИМ

Санъат оламига ҳар ким ўз йўли билан кириб келади. Салоҳиддин Азизбоев эса қўлида сози — бетакрор наволарга бой ғижжаги билан кириб келди ва ҳамон ана шу сози билан муҳлисларни ҳушунд эътипти. Ҳаммаси отаси — халқ ҳофиси Саъдулла Азизбоевнинг ўғли Салоҳиддиндаги ашулға иштиёқни севгандан ва унинг тимсолида санъатнинг давомчисини кўргандан бошланганди. Отанинг умидлари зое кетмади. Мактаб пайтидаёқ қўшиқча меҳр-муҳаббатини намоён этган Салоҳиддин консерваториянинг аънавий ижрочилик факултетига ўқишга кирди. Уқиш даврида Фаттоҳон Мамадалиев, Абдуҳошим Исмоилов, Утали Расулов, Раҳматжон Қурбонов каби устоз санъаткорлар ва таниқли хонандалардан қўшиқ санъатининг сир-асрорларини кўн билан ўрганишга ҳаракат қилди.

Тўқсонинчи йилларда тингловчиларга илк қўшиқларини тақдим этган ёш хонанда, айниқса, «Кел, энди» деб номланган лирик қўшиғи билан кўпчилигининг қалбига чўғ ташлагга муваффақ бўлди. Шундан кейин кетма-кет «Эй, сабо», «Қошларингиз», «Зулайхо бўлсанг», «Оҳ, гулим», «Кетма» каби хоншоилари билан чўнғингиз алаंगा олишини таъминлади.

Хуллас, Салоҳиддин Азизбоев изланувчанлиги, миллийликка, ўзига ҳосликка интилиши сабаб муҳлислар орттирди. Айни вақтда консерваториянинг аънавий ижрочилик кафедрасида ғижжадан сабоқ берди, шу ерда доцентликка эришди. Утган давр мобайнида ўрта ва махсус мусиқа мактаблари учун ғижжадан ўқув дарслиги, олий ва ўрта махсус мусиқа ўқув юртлари учун «Ғижжақ наволари» китобларини ёзди.

Яқинда хонанда ва мураббийнинг тўлдирилган ва кенгайтирилган «Аънавий ғижжақ ижрочилиги» китоби нашрдан чиқди. Янги асарлар устидаги ишлар ҳам давом эътипти. Хуршид Даврон шеъри билан «Кўзингиз» номли қўшиқ устидаги ишлар ниҳонисига етиб қолди. Шунингдек, таниқли санъаткор Карим Зокиров ижро этган «Шеър» ашуласини қайтадан замонавий талқинда муҳлисларга тақдим этиш ниятида.

Гулчехра УМАРОВА

**БУГУНГИ СОҲАА:**  
**2 КУЗ ХИРМОНИ** →  
**БУИ ЧУЗАР**  
→ **MATTEO ФАЛЬКОНЕ** 3  
Абдураззок САМАРҚАНДИЙ:  
**4 МАМАКАТ АДОЛАТ**  
**НУРЛАРИ БИЛАН** →  
**ЁРИШГАН ЭДИ...**

## Ўзвчилар уюшмасида

Мана тўрт йилдирки, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда ташкил этилган Олий Адабиёт курси фаолият олиб бормоқда. Бу илм даргоҳида адабиётга илҳоси баланд, ижод соҳасида ўзининг муайян истеъдодини намоён этган ёшлар сабоқ олади.

## ҚАДИМ НАВОЛАР СЕҲРИ

Кеча пойтахтимиздаги Гафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида миллий чолғу ижрочиларининг «Барҳаёт наволар» биринчи республика кўрик-танлови очилди. Танловда Қорақалпоғистон республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳридаги саралаш босқичларида гўлиб деб топилган юзга яқин иштирокчи қатнашмоқда.

— Ушбу танловни ўтказишдан мақсад халқимизнинг кўн йиллик аънавлари, миллий қадриятлари, урф-одатларини тиклаш борасида мустақиллик йилларида рўёбга чиқарилаётган ишларга ҳамоханг ҳолда ота-боболаримизнинг асрлар мобайнида унутилмай келаётган қадимий наволарини, уларнинг илҳом услубларини тиклаш ва ёш ижрочиларнинг халқ ижодиётига қизиқишларини ҳар жиҳатдан рағбатлантиришдан иборатдир, — деди танлов тадбирларини ораётиб Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазири ўринбосари Азамат Ҳайдаров. — Қўшна, чанқовуз, сибиэга, бўлама сингари миллий чолғуларимиз ижросидаги куйларни тиклаш, уларнинг диққат ором ва сеҳр бахш этувчи гўзал наволаридан кўпчиликини баҳраманд этиш миллий санъатимиз ривожига алоҳида аҳамият касб этади. Уйлаймики, бу йўлда ҳали қўллаб ёш истеъдодларни кашф этамиз.

Маданият ва спорт ишлари вазирига республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази, халқаро «Олтин мерос» жамғармаси, Оксоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси ҳамда Телерадиокомпания ҳамкорлигида ўтказилаётган кўрик-танловнинг якунлови босқичи 8-октябр кўни Ўзбекистон давлат консерваториясида бўлиб ўтади. Кўрик-танлов гўлибларини тақдирлаш маросими ҳам ушбу санъат даргоҳидаги якунловчи концертда бўлади.

САРВАРА,  
М.АКРОМОВ

## Диплом топширилди

Мана тўрт йилдирки, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда ташкил этилган Олий Адабиёт курси фаолият олиб бормоқда. Бу илм даргоҳида адабиётга илҳоси баланд, ижод соҳасида ўзининг муайян истеъдодини намоён этган ёшлар сабоқ олади.

## МУТОЛАА БАЙРАМИ

Дунёда энг беминнат суҳбатдош, сирласанг сирингиз ҳен кимга сотмайди дўст, юракча олам-олам завақ бағишлайдиган ҳамроз китобдир. Инсонни эзгуликка чорлайдиган, маънавий камолотга етаклайдиган кўч ҳам китобдир. Ҳеч кимга тўтқин бермайдиган вақтни жияловлайдиган, замона зайлига бўйсунмайдиган, маконга сиймайдиган мўъжиза ҳам китобдир. Тилларни, дилларни бир-бирига яқинлаштирадиган, иймон-эътиқодга бошлайдиган, худони танитадиган қалом ҳам — китоб.

Қалам билан ёзилган Болта билан чопиб бўлмас, — дейдилар. Ҳа, ҳақиқатан ҳам китоблар ўтда ёнмайди, сувда чўкмайди. Шунинг учун инсон ҳамиша китобни ардоқлайди. Китобнинг барҳаёт яшаш шарти — мутолаадир. Энг кўп мутолаа қилинадиган китоб, варақлари титилиб кетса ҳам, кўп яшайди. Шунинг учун «Мен — китобман, — дейди шоир, — Хар кун дарсхонада гўзал талаба Қолдирмай ўқиса варақларимни, Титилиб кетсайдим...»

Халқимиз китобни мутолаа қилишни яқши кўради. Азалдан ота-боболаримиз бир уйга жам бўлиб, жамоа бўлиб китоб ўқийдиган, бир тану бир жон бўлиб достонларни тинглашган, қиссaxonлик кечаларини ўтказишган. Ана шу аънава бугун ҳам давом эътипти.

23 овангтор кўни Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида «Мутолаа байрами — 2005» анжуманининг очилиши бўлди.

Унда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси раҳбари ўринбосари Ирина Маминова, Ўзбекистон халқ шоири Александр Файнберг, шоирлар Софья Файзинова, Андрей Слоним, Рустам Мусурмон, ёш ижодкорлар Адиба Умирова, Баҳорат Отажонова, Зулфия номидаги давлат мукофоти соҳибдорлари Гули Нигор Азизова ва бошқалар иштирок этиб, китобхоналар билан асосий суҳбатлашди. Уларнинг янги шеърларини китобхоналар эътиборига ҳавола этди.



Назира ТОШЕВА

**ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!**  
«Ўзбекистон адабиёти ва санъати»га  
2006 йил учун  
обуна давом этмоқда.  
Обуна баҳоси сиз кутганингиздан  
анча арзон.  
Нашр кўрсаткичимиз — 222  
Обуна чекланмаган.  
Аччиқ кўк чой чанқоғингизни қондиради.  
«ЎЗАС» — маънавий эҳтиёжини!

Машинамиз икки чети гулга бурканган кенг, текис асфалт йўлда Улугнор томон олиб бормоқда. Хамроҳларнинг ҳазил-мутойибаларига талабали йилларида бошдан ўтказган қизиқарли саргузаштлар ҳам кўшилиб кетган. Гўзал хотиралар, қулгили туюлган ҳодисалар баъни суҳбатга ҳуз кайфият бағишлади. Икки томонда ястаниб ётган оппоқ далалар талабалар ҳузурини ошиқайтган ижодкорларнинг сарвак ёшлик йилларида отланди...

«Дамас»имиз зовур ёқалаб бормоқда. Узок-узоклар кўзга ташланади. Аллақачон терган пахталарини топириб тус-сўзларини тинглаб туриб, ширкат ҳўжаликларининг аста-секин бўлса-да, фермер ҳўжаликларига айлантиришдаётганлиги бежиз эмаслигини тушуниб олдик.

Туманда мўл ҳосил етиштирилган. Ҳаммининг диққат-эътибори кўшили кунларда пахта ни йиғи олишда. Туманин «Гулистон», «Мингбулок», «Мирзааҳмедов» массивларида кунлик теримни 70-75 килограммга етказётган Андижон Давлат тиббиёт институтини талабалари шижоати ҳам бошқалар ҳимматидан кам эмас.

Бўз тиббиёт коллежи талабаларининг кўнига 50-55 тоннадан пахта тараётгани ҳам кишини қувонтиради. Коллеж директори Бахтиёржон Исомиддинов билан суҳбатлашарканмиз, у пахта йиғим-теримига бир ҳафта бурун тайёргарлик кўрилгани, талабаларнинг «Озод», «Яккатол», «Янги турмуш» штабларига бўлинтганлиги ва улар учун

# КЎЗ ХИРМОНИ БЎЙ ЧЎЗАР

тазорлари бошланди. Далаларда ҳосил мўл. Машина Улугнор тумани ҳудудида ўтганда манзара янада кўркам тус олди. Бодроқдай очилган оппоқ пахталар ниҳоятда бўлуғ. Кўзнинг чарогон офтоби нуруларида пахталардан кўзимиз камаша-қамаша, туман марказига етиб борганимизни сезмай қолдик.

Улугнор кишлок ҳўжалиги касб-ҳўнар коллежи ҳовлисида Андижон тиббиёт коллежи директори Зафаржон Қажоров ташрифимизга пешвоз чикди.

Сўхбатимиз ҳашарчиларнинг марказий штаби ҳонасида давом этди.

—1-курс талабаларини пахта теримига жалб қилганимиз йўқ,— дейди у. — Шу кўнда мингдан ортик ўқувчи теримда. Талабаларимиз 15 фермер ҳўжалиги далаларига пахта теришмоқда. «Сардор», «Дўстлик», «Маҳзан», «Мовароуннаҳр», «Азиз Амин ери» фермер ҳўжаликлари биринчи терим билан режадан баъжарилди. Назаримизда бу йил Улугнор учун пахта йили бўлганга ўхшайди.

— Ҳа,— дейди шерикларимиздан бири, — нафақат Улугнор учун, балки бутун Андижон вилояти учун пахта йили бўлади-ёв!.. Об-ҳаво ҳозирғидай яхши бўлиб тура-са, ширкат ҳўжаликлари ва фермерларнинг хирмони янада оқсак бўлади.

— Улугнорда пахта чиндан ҳам жуда мўл, — таъкидлади директор. — Ҳўжалик бошлиқларининг бириндан бу йил пахта ни қачон-қачан теримиз, деб сўрасам, у киши: «Домла, Улугнорнинг бу йилги пахтасини қачон териб тутатамиз дегансангиз тўғрроқ бўлади», деб лутф қилди.

Сўхбатдошлардан бири бу галнинг асло мўблага эмаслигини, кекса, тажрибали деҳқонлар кейинги йигирма йилда Улугнорда пахта ҳосили бунчалик мўл бўлмаганини таъкидлади. Теримда ширкат эътаётган Улугнор кишлок ҳўжалиги, Мингбулок агроасотад, Андижон педагогика, Андижон молия-иқтисодиёт, Андижон маъшиий ҳизмат ва ҳусусан Андижон тиб-

ликка чиққан ҳашарчилар овқатланиб бўлишган. Учрашувимиз расмиётчиликсиз, ўз-ўзидан бошланиб кетди.

Орамиздан кимдир ҳазилнамо: — Макарон еб, кенг, очик, тоза ҳавода пахтадай лўппи бўлиб семириб юрибсизларми? — деб ҳазоб берди.

«Мовароуннаҳр» фермер ҳўжалигига қарашли далада бўлаётган учрашувда фермерларга яқиндан ёрдам бераётган, беш кунлик натижаларга кўра лўл муқофотларини олган илгор ҳашарчилар Гўлноза Ерқуллова, Севара Мамаюсупова, Маъмура Самосова, Ирода Солиева, Нодирбек Нурматов, Элмурод Курбоновлар билан танишарканмиз, уларнинг далада кечаётган кунларидан мамнун эканликларини англадик. «Мовароуннаҳр» бошлиғи Абдуҷамид Мадаминовнинг ўғли Баҳодиржон 15 нафар аъзоси билан 70 гектар ерда деҳқончилик қилаётганлиги, шу кунгача 55 тоннадан зиёд пахта териб қўйгани, ўтган йили ҳўжалик 5 миллион сўм соф даромад қилганлигича айтиб ўтар экан, ёш йигитнинг

жон тиллар институтидан 835 нафар, Андижон шаҳар ташкилотларидан 1000 нафардан ортик ёрдамчилар далада пахта ни йиғиб-териб олишда сидқидилларидан меҳнат қилаётганини ҳўким ўринбосари мамнуният билан таъкидлаб, ҳар кўни 950-1000 тоннага яқин пахта терилаётганини айтиди. «Ҳусанбевлар оиласи» фермер ҳўжалиги туманининг 21345 тонналик хирмонига

Устоз адиб Абдулла Қажор бу дунёни тарқ этганидан сўнг ҳам, ёзувчининг туғилган кўнида уни хотирлаб дастурхон ёзиш уй-музей ҳодимлари ва адиб ёр-биродарлари учун айнаганга айланган. Бу йил ҳам адиб уй-музейда, кадрдон журмо даракати остида дастурхон ёзилиб, бир гуруҳ ижодкорлар устозни хотирлаб давра кўрдилар.

## АДИБНИ ЭСЛАБ...

Ўзбекистон Қажрамони Эркин Воҳидов «Бир вақтлар Достоевский биз ҳаммамиз Гоголнинг шинелидан чиққанмиз деганидек, бизнинг авлод ҳам Қажорнинг сўзидан чиққан. Бу йилги қайсидагидир маънода адибнинг юз йиллик юбилейи томон ташкил қилган, қадам, — деди. — Биз, Қажорнинг шоғирдлари, унинг руҳи олдига маънан қардоримиз. Шунинг учун ҳам ҳар биримиз Устоз хотираси олдидоғи маъсулйитимизни чўқур ҳис қилишимиз керак. Шу ҳақда ўйлаш бизнинг вазифамиздир».

Ўзбекистон халқ ёзувчилари Пиримқул Қодиров, Ўткир Ҳошимов, адабиётшунослар Ҳариз Абдусаматов, Умарали Норматов, Иброҳим Гафуров, Абдуғафур Расулов, Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджон ва бошқалар адиб билан бўлган мулоқотларини хотирладилар, устоз ижодининг ўзига ҳосиллиги, қатъияти ҳақда гапирдилар. Кечага Ўзбекистон халқ ҳофизии Ҳасан Ражабийнинг хонилари фазл киритди.

## ҚАМЧИЛ КЕНЖА, МУҲСИН, УСМОН ШУКУРОВ, ФАРИД УСМОН

ган сайин тинчини йўқотади, ҳатто ўқувчисининг ота-онасидан кўпроқ ҳаяжонланади. Юқори натижалар билан имтиҳон топириб, талаба бўлган ўқувчилардан «муаллимнинг ким?» деб эмас, «репититорнинг ким эди?» деб албатта сўрашади.

Садийнинг «Гулистон» асаридоғи бир ҳижоятда айтилишича, магриб дерида бадфёул, тили аччиқ, бадқовқоқ бир муаллим бўлиб, галини икки қилган шоғирдларига гоҳ тарсаки тўшарар, гоҳ оёвига исканжа солар экан. Ота-оналар бундан ҳабар топиб, уни мадрасадан ҳайдадилар. Урнига мулойим табиатли бошқа бир киши келибди. Болалар унинг юмшоқ фёвълдан фойдаланиб, йил-тўполонга зўр беришибди, илм ўрганишини унутишибди. Ота-оналар яна аввалги муаллимнинг кўнглини овлаб уни, ўз ўрнига тайинлашибди. Қиссадан ҳисса:

«Устоз» сўзини тилга олганмида яна бир инсоннинг номини асламай иложим йўқ. У — марҳума шоира Замира Эгамбердиева. Замира опанинг ҳам ижод ҳам ҳаёт, ҳам одамийликдан берган сабоқлари нафақат менинг, республикамизда ижод этиб юрган ўнлаб шоғирдларининг қалбига муҳурланиб қолган. У кишининг порлоқ хотираси ҳамиша қалбимизда яшайди.

«Устоз» сўзини тилга олганмида яна бир инсоннинг номини асламай иложим йўқ. У — марҳума шоира Замира Эгамбердиева. Замира опанинг ҳам ижод ҳам ҳаёт, ҳам одамийликдан берган сабоқлари нафақат менинг, республикамизда ижод этиб юрган ўнлаб шоғирдларининг қалбига муҳурланиб қолган. У кишининг порлоқ хотираси ҳамиша қалбимизда яшайди.

## ЮБОРДИ ЎГЛИНИ МАКТАБГА ПОДШОҲ, ҚИЛИБ ҚЎЙНИГА НУКРА ТАХТАЧА ЖО. КУМУШ У ТАХТА ВА ЗАРДИН БИТИБ ЁД: ОТА МЕХРИДАН АФЗАЛ ЖАБИРИ УСТОД.

Аждодларимиз устознинг мартабасини ҳамиша билад қўйишган. «Устоз отангдан улуғ» деган нақл бежиз айтилмаган. Ота-оналар ўз баласини «эти сиэиники, суяги бизники» деб муаллим қўлига топширганлар. Таълим жараёнидаги танбёҳу қойишлар, талабу танқидларнинг неғизидо биттагина эзгу мақсад ётади, у ҳам бўлса — билим бериш. Муаллим ҳам инсон. Бирор ўқувчисига қаттиқроқ дашон бериб қўйган кўни туни билан қийнаиб чиқади. Ҳеч ким болалар икки дунёсини муаллимчилик яхши билмайди. Шундай мурабийлар борки, ўқувчилар ота-онасига айтолмаган юрак сирларини уларга айтиди.

Кўпинча оналар даврасида фарзанд ҳақда сўз кетар экан, «Мен айтсам қилмайди, устози айтса даров қилади», деган гаплар қулоққа чалиниб қолади. Дарҳақиқат, бола учун, айниқса, кичкинтой ўқувчилар учун муаллим — қомил инсон. Устознинг ҳамма галини бола қонундек қабул қилади. Унинг бир оғиз мактов сўзи ҳар қандай муқофодан аълодир.

Илм олишни игна билан қудуқ қазинга тенглаштиришди. Илм беришнинг-чи? Чин юракдан, ҳақиқий илм ўргатишининг машаққати ундан-да кучлироқ. Уз тафаккурингидоғи, онгингидоғи маъмулотини бошқа бировнинг онгигу шуурига синдиришининг ўзи бўлмайди. Ҳар бир ишининг ўз устаси бор. Ҳар қандай илм ёки ҳўнар соҳибининг ўзига яраша устози мавжуд. Буюк одамларнинг, ҳатто даҳоларнинг ҳам устозлари бўлган. Устоз кўрмаган шоғирлар ҳар мактабга йўрғалар, деб бежиз айтмаганлар.

# ОТА МЕХРИДАН АФЗАЛ...

лироқ. Уз тафаккурингидоғи, онгингидоғи маъмулотини бошқа бировнинг онгигу шуурига синдиришининг ўзи бўлмайди. Ҳар бир ишининг ўз устаси бор. Ҳар қандай илм ёки ҳўнар соҳибининг ўзига яраша устози мавжуд. Буюк одамларнинг, ҳатто даҳоларнинг ҳам устозлари бўлган. Устоз кўрмаган шоғирлар ҳар мактабга йўрғалар, деб бежиз айтмаганлар.

Кейинги пайтларда ҳаётимизга «репититор» деган тушуноча қилиб келди. Бу — ўқувчи билан яқна тартибда шуғулланиб, мукамал ва чўқур билим берадиган ўқитувчи. Менинг фикримча, репититори ҳам чин устоз дейиш мумкин. Тўғри, у текинга ўқитмайди. Лекин олган пулирини оқлаш учун қаттиқ меҳнат қилади, жон куйдиради, боланинг келажоғи учун ўзини маъсул деб билади. Кириш имтиҳонлари яқинлаш-

унга етти нарсадан ажр бориб туради: шулардан биринчиси — илм ўргатган бўлса». Каранг, муаллим ва устозлар ризмиз икки дунёси обод кишилар экан. Ўқитувчи одамнинг умри давомида тарбиялаган шоғирдлари кўнига бир мартадан устозлари ҳақига дуо қилганда ҳам уларга қанча саваб бориб тегади.


Нодонликдан қаро бўларди ҳажон Устод, муаллимсиз қолса бир замон.

Зулфия МАЪРУФОВА

## Озод ШАРАФИДДИНОВ

Ўзбек адабиёти оғир худоликка учради. Ўзбекистон Қажрамони, Ўзбекистонда ҳизмат кўрсатган фан арбоби, Беруний номидаги давлат муқофоти соҳиби, «Жаҳон адабиёти» журнали бош муҳаррири, профессор Озод Обидовин Шарофиддинов узок давом этган ҳасталиқдан сўнг 76 ёшида вафот этди.

Олим қирқ йил давомида Ўзбекистон Миллий университетидо меҳрибон устоз, жонқуяр педагог сифатида самарали ҳизмат қилди.



Озод Шарофиддинов 1996—1997 йилларда «Тафаккур» журналининг бош муҳаррири ўринбосари, 1997 йилдан то умрининг охирига қадар «Жаҳон адабиёти» журналининг бош муҳаррири лавозимларида меҳнат қилди. Бу давр мубайнида у ўзини моҳир раҳбар ва истеъдодли таржимон сифатида ёрқин намоеён этиб, журнал саҳифалари орқали халқимизни дунё адабиётининг нодир намуналаридан баҳраманд этишда жонбозлик кўрсатди.

Озод Шарофиддинов адабиётга ўтган асрининг 60-йилларида ўзига ҳос овози билан кириб келди. Унинг бадий адабиёт муаммоларига бағишланган ўткир мақолалари, айниқса, «Замон, қалб, поэзия» китоби Ўзбек адабиётига янгича нафас олиб кирди. Олимнинг талабачилик руҳида, ўшқин қалб ҳарорати билан ёзилган адабий-танқидий асарлари, атоқли Ўзбек адиб ва шоирлари ҳақида яратган теран илмий тадқиқотлари адабиётимиз ривожига қатта ҳисса қўшди.

У айниқса, истиқлол йилларида қатъият ва фидойилик билан ижод қилди. Оғир ҳасталиғига қарамай, адиб ва публицист сифатида «Истиқлол фидойилари», «Чўлпонни англаш», «Довондаги ўйлар», «Президент», «Ижодни англаш бахти» каби салмоқли асарлар яратди.

«Буюк ҳизматлари учун» орденларига сазовор бўлган ади.

У ёш истеъдод эгаларини тарбиялаш ва уларни қамолотга етказиш борасида ҳам ибратли фаолият олиб борди.

Озод Шарофиддиновнинг эли-юртимиз олдидоғи қатта ҳизматлари муносиб тақдирланди. У «Ўзбекистон Қажрамони», «Ўзбекистонда ҳизмат кўрсатган фан арбоби» унвонларига, «Меҳнат шў-

И.КАРИМОВ, М.ШАРИФҲЎЖАЕВ, Э.ХАЛИЛОВ, Ш.МИРЗИЕЕВ, Х.СУЛТОНОВ, Р.ҚОСИМОВ, А.ОРИПОВ, Саид АҲМАД, Э.ВОХИДОВ.

## ЮКСАККА ЧОРЛОВЧИ ЭЪТИҚОД

Дунёдан ўтганлар ҳақида гапирганда, ва айниқса, таъзиянома ёзилганда фалончи бизнинг қалбимизда абадий яшайди, деб қўямиз.

Шу ҳафта қирқ йиллик кадрдоним Озод Шарофиддиновни бу норасо дунёдан боқий дунёга узатиб, оғир кайфиятда уяғи қайтсам... радиода таниш овоз янграпти. Қулоқ солсам... Озод! Атоқли олимимиз ёзувчининг тарих ва ҳаёт олдидоғи маъсулйити ҳақида гапиряпти. Одатдагидек қуйиб-пишиб, эҳтирос билан гапиряпти. Унинг фикрича, ёзувчининг ҳеч қачон ҳаётини бир ёқлама тасвирлашга ҳаққи йўқ. У ҳалол ва объектив бўлиши шарт, ақл ҳолда, турмуш ҳақида китобхонда нотўғри, ноҳақо фикр туғилиши мумкин. Ҳаётда эса, адолат ва адолатсизлик, яхшилик ва ёмонлик ёнма-ён юради. Мисол тариқасида марҳум (марҳум сўзини ҳамон тилга олгим келмайди) Искандарнинг шоҳи тўғрисидаги машҳур ривоятни келтириди. Дўстимнинг қулиб айтган бу

жуда ҳурмат қилар, унинг фикрларига эътибор берав эдилар. Абдулла аканинг 60 йиллик кечаси бўладиган кўни у киши ўзи яхши кўрадиган барча ёшларни Дўрмондаги боғ-ҳовлисига тақлиф қилган эди. Улар орасида Озод, Пиримқул, Абдулла ва Эркин ҳам бор эдилар. Бир маҳал Абдулла ака каминани қақириб, қўлимига бир қоғоз тутказдилар ва одатдагидек мийғида қулимсираб: «Мен бу нутқимни рус тилида ёзганман. Менинг русчама «твоя-моя»дан нари ўтмайди. Бир ўқиб, унинг точка-вергуллари тўғрилан бергин», — деб қолдилар.

## МАСЛАҲАТГҲЙИМИЗ ЭДИ

ривоятига қулоқ солар эканман, бундан кўп йиллар муқаддам содир бўлган бир воқеа эсимга тушди. Машҳур ёзувчимиз Абдулла Қажор «Ўтмишдан эртаклар» кассисини ёзиб тутатган, уни муқоамага қўйган эдилар. Бу муқоамада Озод ҳам, мен ҳам қатнашган эдик. Абдулла акага ҳо маҳорат билан ёзилган ва кичик-кичик ҳижоалардан иборат бу қиссада қор буюқлар жуда кўп эди. Муқоамада иштирок этганлар бунни айтмадилар. Лекин Озод бунни дағал айтиди. Шунда раҳматлик Абдулла ака:

## ИККИНЧИ УМР

«Яхши, Озод, — дедилар мийғида қулиб. — Агар қиссага жамланган воқеаларда қор буюқлар қўлайиб кетган бўлса, мен унинг номини ўзгартириб, «Ўтмишдан эртаклар» деб атайман. Майли, китобхонлар бу воқеаларни ҳақиқат эмас, эртаклар деб ўйлай қолшсин!» Умуман, буюк ёзувчилар Жонини

## ОДИЛ ҲЕҲУБОВ

бу сафар мен Пиримқул икковларинг у ёқда турсин, Озоднинг галига ҳам кирмайман.

## Абдулла ОРИПОВ

## УСТОЗ МАКТАБИ САБОҚЛАРИ

Мен устоз Озод акани ўлмайдиган одам деб билардим. Бу табарқур зот вужудидоғи мислсиз ирода, бардош, шижоат улимни яқинига йўлатмаса керак деб юрардим. Муборак Рамозони шарифининг илм тонгида устознинг вафоти хабарини эшитганмида, сўнг жонсиз ётган майити ёнида тиз чўкиб ўтирганмида не холга тушганимни ифодалашга тилим юзми. На чора, туғилш бор экан, ўлим ҳақ. Ҳаётимдаги энг мушкул юмуш устоз тобути бошида туриб видо сўзини айтиш бўлди. Ўша дамларда қўнғилмадан кечанларини қозоғиз туширғудек бўлсам бутун бошли бир китобга айланади.

## Пиримқул ҚОДИРОВ

Озод аканинг ярим асрлик фаолияти Ўзбекистон Миллий университетидо ўтди. Мен у кишининг биринчи шоғирди эдим. Ярим аср у билан бирга ишлаш, ҳамкору ҳамнафас бўлиш мен учун Оллоҳнинг беназир инояти деб биланман. Мислсиз истеъдод соҳиби, шахси бутун бу ўлим сўйимнинг ижодий шижоати тўғрисида Миллий университет маълакатимизда жамоатчилик тан олган адабий-танқидий тафаккур марказларидан бирига айланди. Устоз бу масқарда ўзига ҳос мактаб яратди. Дадил айтиш мумкинки, биринчи

## УМАРАЛИ НОРМАТОВ

аташи тасодифий эмас. Озод ака мактабига ҳос яна бир ҳижат, у адабиётни санъат ҳодисаси деб тушуниш, бадий сўз нафосатини теран таҳлил этиш билан баробар ҳамиша қайноқ ҳаёт жараёнлари ичидо жўшиб яшайди. Миллат дароғи дармон, миллат фидойиларига тарбия ва сунън бўлиш унинг учун виддон амрига айланди. Устоз мактабига ҳос шу хил фазилатлар тўғрисида миллий танқидчиликимизнинг нуфузи, обрў эътибори бениҳоя кўтарилди, мунаққид номи Ойбек, Ф.Ҳулум, А.Қажор сингари сўз санъаткорлари қаторида эҳтиром билан тилга олинадиган бўлди.

## УМАРАЛИ НОРМАТОВ

Озод ахдида қатъий турди, сўнги нафасингача ижоддан, ҳақ сўзни айтишдан тўхтамади, қалбининг сўнги ҳўжарасига қадар луволувлиб ёндириб, миллат равнақи йўлида фидо этди. Биз каби шоғирдларга таскин берадиган ҳижати шундаки, Озод ака қалби ёлқини ундан баҳраманд бўлганлар кўнглида ҳеч қачон сўнмаган.

## УМАРАЛИ НОРМАТОВ

Мен дунёга келиб дунё орттирдим, Ҳаммасини қолдириб кетарман. Қалбини эса сўнги ҳўжарасингача Ловулатиб ёлдириб кетарман.

## УМАРАЛИ НОРМАТОВ

Устоз ахдида қатъий турди, сўнги нафасингача ижоддан, ҳақ сўзни айтишдан тўхтамади, қалбининг сўнги ҳўжарасига қадар луволувлиб ёндириб, миллат равнақи йўлида фидо этди. Биз каби шоғирдларга таскин берадиган ҳижати шундаки, Озод ака қалби ёлқини ундан баҳраманд бўлганлар кўнглида ҳеч қачон сўнмаган.





«Тоҳир ва Зухра» филмининг 60 йиллигига

«Тоҳир ва Зухра» филмининг 60 йиллигини нишонлаш муносабати билан бу киноасарга бағишланган сценарий ҳамда кино тасмасини кўздан кечира туриб, кўпгина янги маълумотларга дуч келямиз. Шунинг билан биргаликда кўп йиллар мобайнида учрашмаган, бир-бирини соғинган санъаткорларнинг дийдорлашув онларининг гувоҳи бўламиз.

Ун-ун бир ёшли Зухранин ёрқин сиймоси ёдингизда бўлса керак. Биз ўша Зухрани излаб топдик, суҳбатлашдик, саволларимизга жавоб олдик. Мана шу мулоқот дамларидан сизни воқиф этмоқчимиз.

— Венера, узок юртдан учрашуга етиб келганингиз учун ташаккур. Кўринишингиз, ёқимли табассумингиз, хатти-ҳаракатингиз ўша ёқимтой Зухрадонинг эслатиб турибди. Халқимиз ардоғидаги Зухрани кўргандек бўлаяпмиз, 1943 йили сизни қаердан излаб топилган, студияга қандай таклиф этилган?

дан тушиб дор ўрнатилган майдон сари чопқиллаб борар эдик-да, Сардор эмас Тоҳир қатл этилажагидан дарак топиб, Бобохонга юзланар эдик. Мен бир-икки жумлада айтиб берган манзарани тасаввур этинг! Бундай вазиятда XX асрда эмас, Зухранин XV асрда яшаётганига ишонгандек бўласан. Юришинг, сўзлашинг ҳам ўзгача бўлади. Режиссёр



ЗУХРАНИ ҲАЙНАГАН ВЕНЕРА

— 18 ёшдаги гўзал Зухрани яқин қариндошимиз Юлдуз опа Ризаева Ҳайнаган кўнлари уйимизга келганларида, дадам билан маслаҳат қилганлар. «Кичкина Зухра керак. Венерага руҳсат беринг. Синаб кўришин. Эҳтимол, бирга рол ўйнаймиз» дедилар. Дадам — Муҳиддин Қориёқубов машҳур хонанда бўлсалар-да, биз — фарзандлари актёр бўлишимизни, рақс тутишимизни, мутлақо хоҳламас эдилар. Юлдуз опамларга «Йўқ!» жавобини бери олмадиларми ёки кинонинг истиқболлини кўра билганлариданми, ҳарқалай рози бўдилар. Икки Зухра — мен ва Юлдуз опам кўл ушлашиб студияга кириб келишимиз билан барча хангу манг бўлиб қолди. Наби ака Ганиев синаб ҳам кўрмадилар. Либлисларни тикириб, мени ясаптириб «хонанинг саройига» олиб келишди-ю, ҳолатга киришни ўргатишди.

— Айни шу дақиқалар бизни жуда қизиқтиради: оддий ўзбек қизи қандай ҳолатга кириш жараёни қандай кечган?

— Антика бўлган. Режиссёр шундай муҳит яратар эдики, ўзинг ҳис эта бошлар эдинг. Салобатли уламоларни, дарвозаларни, кимхоб тўн кийган сарой ахлини, қалқон-у қилич ушлаган сарбозларни ва айниқса, сенга қил, сенга меҳр билан қараб турган Тоҳирни. Бир эпизод сира ёдимдан чикмайдми.

Самарқанднинг кўна обидларни орасидан ўтган кўчалар бўйлаб шинам ясалган аравача гилдираб бориши керак эди. Биз Тоҳир билан ўтирган соянон, беэкаларга бой ўша аравани икки чиройли бўталок тортиб кетарди. Йўловчилар ҳавас билан бу манзарани томоша қилар, дуо қилар, табассум, илиқ сўзлар билан бизни кузатиб кўрадилар. Шу дақиқаларда дўмбира янграб қолар, биз Тоҳир билан юриб кетаётган аравача

Юлдуз Ризаевага ўхшаш учун бурнимни слайвериб текис қиламан» дер эди. — Сиз айтган бу «аргимчок» эпизоди ҳам филмдан ўрин олмаган-ку. Унинг тафсилотларини айтиб беринг.

— Мен — Зухра аргимчок учардим. Ранг-баранг арқон, саватчани эслатадиган ўриндик, соя ташлаб турган дум-думалоқ чинор. Бу лавҳада Тоҳир ва мен иштирок этар эдик. Аргимчок тез чайкала бошлаганида мен Тоҳирга қараб ҳалиги жумлани айтишим, шунда у «Кўрманг, Зухрадон, мен борман!», деб жавоб бериши керак эди.

— Суратга олишинг қандай дамлари ёдингизда қолган? Сиз буюқ ўзбек актёрлари билан ёнма-ён туриб рол устиди ишлагансиз.

— Шунинг учун ҳам кинодан миннатдорман. Наби аканинг билими, зеҳни, ҳикоятнавислиги, меҳри умрбод эсимда қолди. Биз, ҳали ёш болалар ўзимизни эркин тутишимиз, ролга киришимиз учун барча шароитни яратиб берарди. Улчанлигимизни ҳисобга олиб павилонга бирорта кишини қўймас эдилар. Бир гал Комил Ерматов кириб қолди, суратга олиш жараёнини кузатиб турганида, Наби ака қатъий бир оҳангда «Комил Ерматович, бизни — менинг артистларимни холи қўйинг. Бири кўрқад, иккинчиси уялади, ист-тих қилади» деб, таниқли режиссёрни павилондан чиқариб юборганлар.

— Филмга кирган эпизодлардан бирини эслайлик. Масалан, бекин-мачок ўйнаш қадрларини.

— Ишонасизми, тўққиз дубл бўлган. Бир эпизод тўққиз марта суратга олинган. Хадра даҳасида «Ватан» кинотеатри бўларди. Ўша ерда декорация барпо этилганди. Биз Тоҳир билан илк бор ана шу қадрларда пайдо бўлишимиз кўзда тутилган. Бир оғиз сўз айтилмас, табассум, шўх қулги, чаққон ҳаракат, бекинмиш, югуриш билан хон саройида дам-ғуссасиз ўсаётган Зухра ва унинг доимий ҳамроҳи Тоҳирни таърифлашимиз керак эди. Мен бўлажак ёримга бўлган муносабатимни йирик планда беришим кийин бўлган.

— Филмдан кейинги ҳаётингиз қандай бўлди?

— Отам айтганидек бўлди. Артист бўлмадим. Ўзим ҳам тил ўрганишга ихлос қўйдим. Натيجада кўп мамлакатларга сафар қилдим. Ёшу қари билиб юртимга қайтаман-да, дугонам Зухрани эслаيمان. У ҳозирги ҳаётни кўришини истардим. Ораси ҳам ушаларди, «Отмагай тонг» билан бирга замонавий кўшиқларни ҳам айтарди. Тоҳирга ҳам етишарди, — севинч ёшларини бекитмоқчи бўлиб жавоб берди — Зухрани ўйнаган Венера! Дарвоқе, Тоҳир! У билан, унинг ёшлик чоғлари билан кейинги суҳбатимизда танишасиз.

Ҳамидулла АҚБАРОВ



САНЪАТ САОДАТГА БОШЛАЙДИ

Санъатнинг барча турлари инсоният қалбининг малҳамидир. Айниқса, кўшиқчилик санъати ҳақида кўп ва ҳўп гапириш мумкин. Суҳбатдошимиз Самарқанд кўшиқчилик мактабининг толиби, мақом, мумтоз ҳамда миллий кўшиқлар ижрочиси Азим Қувондиқовдир.

— Ёшлигимдан санъатга қизиқшимга отам алоҳида эътибор берганлар. Оиламиз Оқдарёда яшаган бўлса-да, Каттакўрғон мусика мактабида ўқиганман. Мусика билимини чуқур эгаллаш мақсадида Тошкентдаги Глиер номли мусика мактабидан сўнг консерваториянинг гижжа бўлимида тахсил олдим. Менимча, ҳар бир касб эгасини ҳаётнинг ўзи тарбиялайди. Мен кўшиқчи бўлсам, деб ўйлаган эмасман, шунинг учун ҳам Консерваториянинг гижжа бўлимида ўқиганман. Каттакўрғон мусика мактабида ўқиганимда ҳам гижжака ҳавасим банд эди. Такдирни қарангки, ота-онам, ёр-дўстлар ва устозлар ўғити ва ёрдами билан кўшиқчи бўлдим.

— Кўшиқчилик санъати ўзига хос бир соҳа бўлади. Шундай эмасми?

— Албатта. Хонанда куйлаётган кўшиқ соҳри бўлмаса, мухлислар тингламайди, у зоқ яшамайди. Бунинг учун куй ва шеър уйғунлигиндан ташқари, хонанданинг ўзига хос дил ноласи ҳамда мағзи тўқ шеър бўлмоғи даркор. Ана шундангина сиз айтган соҳри кўшиқ яратилади.

— Сўнги хабарларга қараганда, хитойлик ва россияликлар «фонограмма»дан фойдаланишни мутлақо таъқиқлашмоқчи экан. Бунга қандай муносабат билдирасиз.

— Жуда қувондим. Масалан, тўйда «хониш» қилаётган хонандадан ўзингиз ёқтирган кўшиқни айтиб

Маданий ҳаёт

Сайидо Насафий номидagi Қашқадарё вилоят кутубхонасида «Мустақил дийр фарзанди» номли кеча ўтказилди. Ушбу тадбирда Қарши шаҳридаги «Азиза» болалар боғчаси тарбияланувчилари ўзларининг ранг-баранг мусиқий дастурлари билан иштирок этдилар. Библиограф Ш.Жалолова мустақиллигини эътиборга олиб кўргазмасини шарҳлаб берди. Кечда вилоят кутубхонаси ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими томонидан кам таъминланган оилалар фарзандларига қимматбаҳо совғалар ва турли адабиётлар топширилди.

Қарши шаҳридаги Алишер Навоий номли маданият ва истироҳат боғида янги ақвапарнинг очилиш маросими бўлди. Тадбирда Қарши шаҳар маданият уйи санъаткорлари томонидан тайёрланган концерт дастури намойиш этилди.

Бухоро вилоят кўғирчок театрида халқ эртаклари асосида режиссёр Лола Сувоқулованинг «Учар кема» спектакли соҳналашди.

М.КАРИМОВА

ажойиб шеърлар жуда кўп. Бироз жон қойитиб, китоб дўконларига қадам ранжиди қилишса, нур устига нур бўларди.

— Яқинда Самарқанд телевидениесининг «Дил навоси» дастуринда меҳмон бўлиб, томошабинлар олқишига сазовор бўлдингиз. Келгуси режаларингиз қандай?

— Даррақатл орзу, умид, ниёт... Буларнинг барчаси инсонга хос туйғулардир. Лекин, санъаткор учун улар янада маъсулият, янада шарафли ва машаққатлидир. Бир кўшиқ дунёга келиб, ўз мухлисларини топгунча, санъаткор тинмай меҳнат қилади, изланади. Халқ учун мумтоз, лирик, халқона ёки эстрада жанрида дилтортар кўшиқ яратиш, ўзлигини топиш ўта мушкул ижодий жараён.

Кўшиқсевар мухлисларим қалбини ром этадиган кўшиқлар яратиш иштиёқи билан яшайман. Самарқанд кўшиқчилик мактаби жуда буюқ ва муқаддас. Ўша мактабга муносиб толиб бўлишни орзу қиламан.

Гавҳар АБДУЛВОСИ қизи суҳбатлашди

тирилмоқда. «Келинг, дўст бўлайлик» спектакли ҳам болалар боғчаларида намойиш этилмоқда. Бундан ташқари, Муножат Эргашева режиссёрлик қилаётган «Юлдузлар чакнаганда» асари Республика театр фестивалига тайёрланмоқда.

М.Уйғур номли Сурхондарё вилоят мусиқали драма театри ўзининг бу йилги 70-мавсумини Эркин Хушвақтовнинг «Қаллик ўйини» асари билан очди. Театр жамоаси пахтакорлар ҳузуринда ҳам бўлиб, улларга намунали маданий хизмат кўрсатмоқда.

Самарқанд шаҳридаги офицерлар уйида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими кенгаши ва шаҳар маданият уйи ҳамкорлигида «Терроризм, спид ва гитўхандликка қаршимиз» шiori остида тадбир ўтказилди. Тадбир сўнггида шаҳар маданият уйи қатнашчилари томонидан концерт дастури намойиш этилди.

М.КАРИМОВА


АСЛИДДИННИНГ ОЧИҚ ЭШИКЛАРИ

Болалигида расм чизишни — рассом бўлишни орзу қилганлар шоир ёки артист бўлишни мурғак кўнглига туқанлардан кам бўлмаса керак. Бироқ айримлари бу орзу умр бўйи тарқ этмас экан. Машҳур ёзувчи Франтс Кафка учун бу бир армон бўлган. Кўп уриниб кўрган, Гогендан ҳайратларга тушган, ўзининг «алмойи-алжойи чизмалари»дан ийманган...

Бироқ, не ажабки, унинг асарлари — китоблари муқоваларига ўша «алмойи-алжойи чизмалари» жуда мос тушган — унинг китобларини қандайдир бошқа беэкалар билан тасаввур этиш қийин.

Чинакам мусаввирда соҳри истёт-дод билан бира қандайдир ақл билан идроклаш мушкул бўлган бир сир ҳам бордай туюлади доим менга. Бошқача қандай бўлиши мумкин: қуй, ҳаракат, ғам, қувонч — бариси бўёқда кўринса, кўриниб туриб ҳаяжонга солса, ҳайратга туширса, тагин, булар ҳар кун кўзи-


Аслиддин келиб қолди. Таҳририят хонасида ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммад билан гаплашиб тургандик. У киши Аслиддиннинг ижодини қадрлар экан. Альбомни арақлаб, чизган расмларини мактади ва бир жиҳатга эътиборини қаратди: «Қаранг, унинг ҳамма асарларида эшик бор, очик эшик. Аслиддиннинг очик эшиклари... Шундай деб ёзинг, ёсангиз агар». Ҳа, Хуршид ака айтмоқчи, Аслиддин ўзи чизган эшиқлардай кўнгли очик йигит. Мен асарларида яна ер бағирлаган кудукни, унинг устидидаги ўзимга жуда таниш чархни кўраман. «Нурота хотираси»ни кўриб узок ўйга толаман. Бу хотирада жуда узокда қолиб кетган болаликнинг элас-элас,



«Аслиддин ҳам, унинг ижоди ҳам кўпчилик учун ечиб улгурилмаган жумбоқдир. Унинг асарларидаги гоғифр масаласи асосий мезонлардан бири, Аслиддин доим янгиликка интилувчан рассом — бу фазилати учун мен жуда хурмат қиламан уни... у ижод оламида ўзини, кўнглини қидиради», дейди Ўзбекистон халқ рассоми, академик Акмал Нур.

Донолардан бири: бу дунёга одам яхши кўришни ўрганиш учун келади, деган экан. Бу гапда ҳам ҳақиқатга яқин бир нима бор, эҳтимол, ҳақиқатнинг бир кўришини ақс этар шу гапда. Яхши кўришни ўрганиш умр бўйи давом этар: ёмон кўриб, қувониб, нафратланиб (сеҳрдан ташқари) — сўзда ифодалаб бериш иложсиз бўлган сир борлигидан далолат бериб туради...

Аслиддин устоз кўрган, кўрганмиз минг марта тушадиган ўша оқ, қора, қизил, мовий... оддий ранглар бўлса. Ҳа, Уйғунлик — бу санъаткорнинг бори, табиати, бир одамда жуда кўп нарсанинг муҷассамлашган...



Аслиддин Калонов бугунги ўзбек рассомларининг навиқрон авлоди вакили. Мен уни болалигидан биламан, бироқ ўша пайтда — Нуротанинг тупрок кўчаларини чангитиб юрганимизда уни шундай рассом бўлади, деб ўйламагандим. Менимча, бунга акаси таниқли рассом Нуриддин Калоновнинг таъсири кўмак берган. Оталари Жўракул ака Калоновнинг зиёли оиласида ўсиб улғайган, оналари Турсунно хонанинг меҳр-ардоғидан баҳраманд бўлган истёт-додли ака-ука ҳозирги ўзбек таъсирий санъатида ўз ўринларини топишгани, тилга тушишгани ҳаётроқ сифатида мени жуда қувонтиради.

Яқинда, «Янги аср авлоди» нашриётида чоп этилган альбомини кўтариб

да ҳам устозларнинг энг зўрларидан таълим олган рассом. У Беньхов номидagi Республика билим юртида ўқиди, Тошкент Театр ва рассомлик институтида В.Ковиндан маҳорат сирларини, С.Абдуллаевдан ранглар мувозонасини ўрганди. Унинг ижодий тақдирига Қўтлуг Башаров, Медад Кагаровнинг таъсири бўлди. Унинг таърибаси, маҳорати Москвадаги «Сенеж» ижодий уйида, айниқса, тақомиллашди. Ўша ёқда юрган пайлар чизган «Кудукча 30 чакирми», «Нуротани кўмса» асарлари Москва музейларида жой олди.

Асарлари юртимизда бир неча бор, шунингдек, Россия, Германия, Голландия, Англия, Италия, АКШ, Канада ва бошқа мамлакатларда намойиш этилган.



гаройиб асарларида намойиш этаётгани чиндан гўзал ишдир. Оллоҳ берган синов-сабоқлар ортада қолиб, орузлардан бири ушалган — асарлари альбоми нашрдан чиққани кўтлуг бўлсин, деймиз.

АХМАД ОТАБОВ

РАМЗДА АКС ЭТГАН ОЛАМ

Боши биринчи бетда.

Назаримда, ижодкор рамзлар орқали дунё икки эшик орасидан иборат эканлигини, лекин ҳамма ҳам Хайём юлдузларига айланиб, бу уйда абадий қололмаганини айтмоқчи бўлади. Шамлар ўз нурлари билан икки эшикдан иборат бўлган уйнинг ичини қандай ёритиб турган бўлса, абадий фарзандларнинг қўққа парвоз қилган руҳи, зиёси ҳам асарлар давомида инсониятнинг умумий уйини ёритиб келаёпти.

Тошкент биенналесида бу сингари санъат мухлисларини ўйлашга, фикрлашга чорловчи асарлар катта қизиқчи билан томоша қилинмоқда. Бундай халқро кўргазмаларда иштирок этиш ўзбек мусаввирлари учун ҳам катта имтиҳондир.

5 октябр кўни III Тошкент халқро санъат биенналесиде ниҳоясига етди. Биенналенинг голлиблари эълон қилинди. Кўргазманинг бош соврини — Гран При эронлик

Ахмад Надалиён Алига насиб этди. Биринчи урин юқорида асари тилга олинган юртдошимиз Юрий Усеиновга берилган бўлса, иккинчи ўринга корейлик мусаввир Чанг Кил Хван сазовор бўлди. «Сардоба» асарининг ижодкори Файзуллоҳон Аҳмадалиевни, замонавий йўналишда талқин этилган видеоарт муаллифи германялик Коринне Шниттти ҳамда озарбайжонлик Фахрия Мамедовани ўз йўналишлари билан фаол иштирок этганликлари учун тадбир ташкилотчилари махсус совғалар билан тақдирладилар.

Тошкент биенналесиде кўргазмаларига қўйилган асарлар эса 20 октябрга қадар Марказий кўргазмалар зали, Замонавий санъат маркази, халқро маданият қарвонсаройи ҳамда Ўзбекистон Таъсирий санъат галереясида намойиш этилади.

И.КЎШШАЕВА



Кўргазма залларида


ни намойиш қилганлар. Т.Мухамедовнинг «Ўзбек халқ эртакларига иллюстрация», «Этиқдўз ва шоҳ», «Утинининг қизи» композицияларида зарғарона ноҳик чизилар ўзига хос руҳий оламни фозда этган. Бу жиҳатдан у миниатюра усталари билан беллашганига қолмай, ҳаҳон миниатюра оламига янги тўлқин, янги шабада олиб кирди, дейиш мумкин. Мунаввир миниатюра оламини янги ифодавий кенгликлар билан бойитган.

Н.Абдусаломхўжаевнинг «Созанда қиз», Т.Каримовнинг «Мафтункор оҳу» асарларида ҳам миниатюра жанрига хос гўзал олам яратилган. Х.Зиёноновнинг «Осмоно фалак», «Шарқ таронаси» композицияларида палос, шолча, белбоғ, палак каби анъанавий шарқ руҳини ифодаловчи буюмларнинг ўзига хос нақшларидан фойдаланилган.

Ф.Аҳмадалиевнинг «Ойдин тун» асаринда қуроқсимон кийим кийган аёл соҳри ранглар тўқинида ифода этилган. Б.Жалоловнинг «Эсдаликлар» асаринда рассонинг ўзига хос тасвир яратиш маҳорати ифодасини топан.

Бундан ташқари, кўргазмага кенг миқёсда декоратив ашёлар ҳам қўйилган. Қўтича, қаламдон, ликочка, таглик, шахмат, нарда, дугор, чилдирма, китоб-қўтича, лавҳ-носок, лаган, қўчака каби совғабоб буюмларини санъат асари даражасига кўтариш борасидида изланишларга ҳам кўргазма заллари тўла ва бойдир.

Абдували ЭГАМБЕРДИЕВ



БЕҲЗОД АНЪАНАЛАРИ

тобт санъати, ёғоч ўймакорлиги ва нақш асарлари; қўтича, қаламдон, лавҳ, қўза ва лаган буюмлари; локли миниатюра ва мусика асбоблари, хурмача ва ковок, қўйингки халқ амалий санъатининг барча тур ва жанрлари кўргазмадан ўрин олган. Минг йиллардан буйн қундалик маъиший ҳаётда ўз ўрнини топан уй-рўзгор буюмлари, совға ашёларининг барча турларида Шарқ миниатюра даҳоси ўз ифодасини топан.



Бехзод миниатюра санъатини, умуман Шарқ мусаввирлигини давом эттираётган, айни чоғда миниатюра соҳасида янги йўналиш кашф этган марҳум Ч.Аҳмаров, Тельман Мухамедовлар ижодидан илҳомланиб, миниатюра аъналарини қайта тиклаётган ва бу йўлдаги сезиларли изланишлари билан халққа танилган рассомларимиз кўп. Жавлон Умарбеков, Баҳодир Жалолов, Акмал Нур, Шомаҳмуд Мухаммаджонов, Алишер Мирзаев, Нибёзали Холматов, Жомол Усмонов, Файзуллоҳон Аҳмадалиев, Тойир Болтабоев, М.Воронский, Файрат Комилов, Х.Назиров ва бошқалар Шарқ миниатюра мусаввирлиги йўналишида ўз изланишлари-

